



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ курилиш материаллари тармоғини ривожлантириш юзасидан тақдирот билан танишди.



Президент фармонига кўра, УРБАНИЗАЦИЯ ВА УЙ-ЖОЙ БОЗОРИНИ БАРКАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МИЛЛИЙ ҚЎМИТАСИ фаолияти йўлга қўйилади.



Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги негизда ЭКОЛОГИЯ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МИЛЛИЙ ҚЎМИТАСИ ташкил этилди.

●●●●● ЖАРАЁН

“Самарқанд тажрибаси” фаолиятни такомиллаштиришда қандай аҳамият касб этади?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Исроил ЖАББОРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

Бу борада бир қатор йўналишларда тартибли иш йўлга қўйилди.

Биринчидан, “еттилик” аъзоларини маҳалла раиси атрофида бирлаштириш мақсадида Уюшманинг вилоят бошқармаси, шаҳар ва туман бўлимларида “еттилик”ка масъул бўлган идора ва ташкилотлар вакилларидан иборат **ишчи гуруҳи** тузилди. Улар “еттилик” аъзоларининг кунлик амалга оширган ишлари юзасидан назорат ўрнатиш, мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш билан шуғулланди. **Натижада бир ҳафта давомида йўлғига келиб тушган 23 мингдан ортиқ мурожаат ҳамда муаммоларнинг 94 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал қилинди.**

Иккинчидан, маҳаллалар фаолиятини рақамлаштиришга алоҳида урғу берилмоқда. **“Рақамли**

маҳалла” платформасининг мобил иловаси орқали “еттилик” аъзоларининг ишга келиб кетиши ҳамда маҳалла раиси тасдиқлайдиган табель асосида уларга иш ҳақи тўлаш тизими жорий этилди. **Тажриба ўтказилган бир ҳафта давомида “еттилик” давомати 48 фоиздан 87 фоизга етди.** Ҳозирда платформадаги маълумотлар янгиланяпти. 1 декабрдан “еттилик” юритаётган статистик рақамлар ягона шаклга келтирилади ҳамда “маҳаллабай” юритилади. Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича мурожаати, оилалар ва аҳоли маълумотларини юритиш ҳамда маҳаллаларда аҳоли билан ишлаш жараёнлари платформа орқали амалга оширилади.

Учинчидан, мавжуд 1 081 та маҳаллада фаолият юритаётган 6 507 нафар **“еттилик” аъзоларининг 1 689 нафари ёки 26 фоизи бошқа ҳудуддан қатнаб ишлайди. Мисол учун, 46 нафар профилактика инспектори, 23 нафар ҳоким ёрдамчиси, 30 нафар ёшлар етакчиси, 22 нафар хотин-қизлар фаоли, 34 нафар ижтимоий ходим, 13 нафар солиқ инспектори 30 километрдан ортиқ масофадан**



қатнайди. Бу, ўз навбатида, “еттилик” аъзоларининг ишга кечиши ва самарадорлиқнинг пасайишига, ортиқча вақт ва маблағ сарфига олиб келяпти.

Шу маънода **“еттилик” аъзоларини ўзи истиқомат қилаётган маҳалладан тайинлаш** амалиётини йўлга қўйиш мақсадида вакант бўлган 50 нафар “еттилик” аъзолари учун номзодлар рўйхати шакллантирилмоқда. Шунингдек, уларни йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, бошқа лавозимга (**бошқа ҳудудга ротация қилиш**) тайинлаш, меҳнат таътилини расмийлаштиришда маҳалла раиси билан келишишга қатъий амал қилишга киришилди. “Еттилик”нинг ўзаро ҳамкорлигини тизимли таъминлаш бўйича муҳокама йиғилишлари ўтказилляпти.

Тўртинчидан, республикадан жалб этилган малакали раҳбар ва мутахассислар барча маҳалладаги **6 507 нафар “еттилик” аъзолари фаолиятини тўлиқ жойига чиққан ҳолда** ўрганди. **Натижада фаолияти қониқарсиз бўлган 76 нафар “еттилик” аъзоси ишдан бўшатилди, уларнинг ўрнига тегишли маҳаллада яшашган, садоқатли ва ватанпарвар номзодлар шакллантирилди.**

Маҳалла еттилиги”нинг ягона оила сифатида ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг **ҳар қуни 1 тадан (бир ойда 30 та) амалга ошириши лозим бўлган лойиҳалари** ишлаб чиқилди. Ҳар бир лойиҳани ўз вақтида бажариш бўйича кунлик назорат ўрнатилиб, ижроси таҳлил қилиб бориляпти. Шунингдек, “еттилик” аъзолари йил якунига қадар ҳамда 2026 йилда амалга оширадиган ишлари

бўйича аҳолига мурожаат қилди. Шу асосда ҳар бир маҳалланинг дастури ишлаб чиқилмоқда.

Бешинчидан, “маҳалла еттилиги” аъзоларига қўлай шароит яратиш мақсадида 27 та маҳалла хизмат бинолари билан таъминланди, ой якунига қадар яна 5 та янги маҳалла биноси фойдаланишга топширилади. Ҳозирда 30 та маҳалла биноларида қурилиш жараёнлари кетяпти. Қолаверса, 186 та маҳаллага компьютер жихозлари ва 285 тасига мебель жамланмаси олиб берилди. 130 та маҳаллага қуёш панели ўрна тилди, 64 та йиғиннинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди.



Маҳаллаларнинг молиявий имкониятини ошириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги “Шодлик” маҳалласи тажрибаси асосида 14 та маҳалладаги 5 000 квадрат метрча бўш турган биноларни аукционга чиқариш бўйича ишлар бошланди.

Сирасини айтганда, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича “Самарқанд тажрибаси”ни яратиш, бу орқали “маҳалла еттилиги”нинг узвий ҳамкорлигини ўрнатиш — фаолиятимизнинг бош мезонидир. Вилоятдаги ҳар бир маҳаллада самарадорлик асосида иш юритилади.

●●●●● УЮШМА КУНДАЛИГИ

Фаоллик — “еттилик”нинг энг устувор мезонидир



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича очик мулоқот ташкил этилди. Унда Президентимиз раислигида 19 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича масъулларга кўрсатмалар берилди. “Маҳалла еттилиги”нинг давомати, туман ва шаҳарларда “еттилик” таркибини тўлиқ шакллантириш, мавжуд вакансияларни тўлдириш, масъуллар ўртасида вазифа тақсими тига қатъий риоя этишга оид топшириқлар берилди.

Шунингдек, Бухоро вилоятида “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури имкониятидан кенг фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишда жиноятчилик ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш, профилактик ишлар самарадорлигини ошириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тўй ва маросимларни ихчамлаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. **Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси ишчи гуруҳининг навбатдаги ўрганишлари Навоий вилоятида давом этди.**

Дастлабки манзил — **Қизилтепа тумани** бўлди. Ушбу туманда жойлашган 2-сон политехникумдаги қулайликлар ва таълим сифати

ҳолати ўрганилди. Ҳозирланган шароитлар ва дарс жараёнлари кўздан кечирилди.

Республика ишчи гуруҳи вилоятнинг қатор маҳаллаларида бўлди. Хусусан, Қизилтепа туманидаги **“Ғойибон”, Навоий шаҳридаги “Ватан”, “Фаровон”** маҳаллалари “еттилиги” билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммолар, фаолиятда учраётган камчиликлар таҳлил қилинди. Камбағалликни қисқартириш, ёшлар билан ишлаш, фуқароларга кўрсатилаётган ижтимоий кўмаклар бўйича фикр алмашилди. Жараёнда “Фаровон” маҳалласи учун янги замонавий бино қурилиши белгиланди.

Кармана туманида ёшлар бандлигини таъминлаш, аҳолининг камбағаллик, ишсизлик даражасини кескин қисқартириш, жиноятчилик ҳамда оилавий ажралишларнинг олдини олиш мақсадида “маҳалла еттилиги”нинг юқори турувчи бошқармалари бошликлари иштирокида очик мулоқот ўтказилди. Унда “еттилик” фаолияти ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Шунингдек, мазкур масъулиятли тизим аъзоларининг давомати, иш фаолиятидаги вазифалари ҳамда муаммолари кўриб чиқилди. Фаолият жараёнида камчиликларга йўл қўяётган “еттилик” вакилларининг ишини янада яхшилаш ва натижадорликка эришиш бўйича аниқ таклифлар берилди.

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати хатловдан ўтказилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ХАТЛОВ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

Белгиланган тартибга кўра, ҳудудларда хатлов тадбирини самарали ташкил этиш орқали **“Маҳалла баланси” шакллантирилади.**

Бунинг учун йиғинлардаги кўчалар ундаги хонадонлар сонидан келиб чиқиб, **“маҳалла еттилиги” аъзоларига бириктирилади.** Жараёни ўз вақтида ва самарали ўтказиш учун мунтазам равишда “еттилик” аъзоларига услубий-амалий кўмаклашилади. Хатлов тадбири давомида жамланган маълумотларни “Рақамли маҳалла” платформасига киритилади.

“Маҳалла баланси” 15 та йўналиш ва 171 та кўрсаткич асосида тайёрланади. Унда маҳалла ҳақидаги умумий маълумот (**кўчалар, хонадонлар, оилалар сони, томоқаси бор хонадонлар, 2026 йилда мевали ва манзарали кўчатларни экиш режаси**), демографик кўрсаткичлар (**аҳоли сони, ёш тоифаси**), аҳолининг этник таркиби, ижтимоий ҳолати (**эҳтиёжманд оилалар, ижтимоий дафтарларга киритилган оилалар**), бандлиги (**ишсизлар, мигрантлар**), ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар батафсил ўрганилади.

Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги таълим ва тиббиёт муассасалари, объектлар, йиғин инфратузилмаси, электр, ичимлик сув, табиий газ ва кўмир маҳсулотлари таъминоти, маҳалла хизмат биносининг ҳолати, фуқаролар йиғини кенгаши, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ва жамоатчилик тузилмалари ҳақидаги умумий маълумотлар шакллантирилади.

ИШИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ — ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

Айтиб ўтганимиздек, хатлов жараёнларини самарали ташкил этиш учун Самарқанд шаҳрида ўқув-семинар ташкил этилади.

Семинар кун тартибига кўра, иштирокчиларга “маҳалла еттилиги” томонидан хатлов ўтказишнинг **мазмун-моҳияти** ҳамда уни **ташкил қилиш тартиби** батафсил тушунтирилади. Янги намунадаги **“Маҳалла баланси” кўрсаткичлари таҳлили** ҳамда **маълумотларни шакллантириш босқичлари** ҳақида маълумот берилади.

“Рақамли маҳалла” платформасида жорий этилган модуллар хусусида сўз юритилади. Вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган маълумотлар ва “Маҳалла баланси”даги мавжуд кўрсаткичларни платформаси орқали тўлиқ рақамлаштириш тизими тўғрисида фикрлашилади.



“Рақамли маҳалла” платформасида жорий этилган **“Давомат”** ва **“Ижтимоий мурожаат”** модуллари, маҳалла раисининг “еттилик”ни муаммолари масалалар ечимига йўналтириши ҳамда уларнинг ҳисоботини эшитиш тартиби тушунтирилади. Платформанинг мобил иловаси орқали фуқародан келиб тушган **мурожаатини йўналтириш** ва маълумотларни тизимга киритиш масалалари амалий тартибда кўриб чиқилади.

Қолаверса, қатнашчилар маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишда **“Омбор дафтари”нинг аҳамияти ва уни юритиш тартиби** хусусида зарур билимларга эга бўлади. Бу жараёнда ўзини оқлаган тажрибалар амалий мисоллар ёрдамида кўрсатилади.

Семинар иштирокчилари **Самарқанд шаҳридаги “Чармғари” маҳалласи, Булуңғур туманидаги “Фозил Йўлдош” маҳалласи** фаолияти билан таништирилади. Бу ерда “Омбор дафтари”ни юритиш, “Маҳалла баланси”ни шакллантириш ҳамда “Рақамли маҳалла” платформасидан фойдаланиш борасидаги ишлар таҳлил қилинади. Маҳаллада йўлга қўйилган тажрибалар билан танишилади.



Юсуфжон САЛИМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси Маҳаллаларда “еттилик” имкониятларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича бош мутахассиси.

Умуман олганда, маҳаллалар олдида муҳим жараён турибди — 10-25 декабрь кунлари ҳар бир йиғиннинг ички ресурслари аниқланади, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига чизми тортилади, натижада маҳаллаларнинг бугунги ижтимоий ҳолати, одамларнинг турмуш тарзи ҳақида аниқ тасаввурлар шаклланади. Бунинг учун мазкур семинарда олинган билимлар асқатади. Эндilikда уларни ҳудуддаги “маҳалла еттилиги” аъзоларига тўғри ва аниқ тушунтириш, ишларни тартибли йўлга қўйиш, энг муҳими, билдирилган ишончни оқлаш қолди, холос.



Президент қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси ТУРИЗМ ҚЎМИТАСИ ташкил этилди.



Давлат корхоналарида таннархни камайтириш ва самарадорликни ошириш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОЙИШИ қабул қилинди.



Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги Шартнома (Хўжанд, 2025 йил 31 март) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ.

Mahalla

№94 | 2025 йил 22 НОЯБРЬ, ШАНБА

3

ИМКОНияТ

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ИШГА ҚАТТИҚ КИРИШМАСА, ЎЗГАРИШ БЎЛМАЙДИ

Жорий йилнинг ўтган даврида камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни қуйида тўғри ташкил қилишга, маҳаллама-маҳалла юриб, янги ташаббусларни топиб, одамлар ҳаётини яхшилашга эътибор қаратилди.

Ойбек ҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Маҳалланинг молиявий имкониятларини
кенгайтириш бўлими бошлиғи.

Айни йўналишлардаги саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йил бошидан ишсизлик **4,9 фоизга** тушди (*ўтган йили 5,5 фоиз бўлган*). Эҳтиёжманд 302 минг оила камбағалликдан чиқди. Илгари қийин аҳволда бўлган 105 минг оила даромад кўришни бошлади. Йил якунигача камбағаллик даражаси **6 фоизгача** камайиши кутилмоқда (*ўтган йили 8,9 фоиз бўлган*). **2025 йилда илк бор 1 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” худудга айланди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 19 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳалла даражасида ташкил этиладиган муҳим йўналишлар белгиланди. Келгуси йилда камбағаллик ва ишсизлик даражаси 4,5 фоиздан камайтирилади. Бунинг учун 140 триллион сўм маҳалладаги кичик ва ўрта лойиҳалар учун берилади. Бу борадаги ишларни ташкил қилишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилди.

Биринчиси — қурилиш орқали аҳолини ишга ва даромадли қилиш.

Келгуси йилда қурилиш соҳасининг ўзида камида 20-25 минг, яратилган инфратузилма

орқали 10 минг кишининг бандлиги таъминланади.

Энг катта янгилик — 2026 йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм вилоятларнинг ўзига берилади. *Лекин бу маблағ ҳамма туманга тенг тақсимланмайди. Қайси ҳоким аниқ лойиҳа асосида натижа кўрсатса, ўша туман кўп маблағ олади. Иш ўрни яратиш ва камбағалликни қисқартиришга катта туртки берадиган лойиҳалар сараланади.*

Иккинчи йўналиш — сервис лойиҳаларини кўпайтириб, аҳоли бандлигини таъминлаш.

Мамлакатимизда энг юқори ўсиш суръатини айнан хизматлар соҳаси таъминлаётди. Агар туризм салоҳияти юқори 150 та маҳалланинг инфратузилмаси яхшиланса, бу ерларда хизматлар ҳажмини 10 триллион сўмга етказиш, 45 минг нафар одамни савдо ва сервисда банд қилиш мумкин.

Шу боис келаси йилда 150 та маҳалланинг ҳар бирига инфратузилма учун 3-5 миллиард сўмдан берилади. Туман банклари бу жойларда меҳмон уйларини барпо этиш учун 150 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилиши йўлга қўйди.

Учинчи йўналиш — саноат лойиҳалари орқали доимий иш ўринларини кўпайтириш.

Ҳозирда **400 та маҳалла** мебелчилик, хунармандчилик ва тикувчиликка ихтисослашган.



Умуман олганда, 2026 йил ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича муҳим давр бўлади. Бунда ҳар бир жараён маҳалла даражасида ташкил этилиб, одамларга шу ернинг ўзига ишли бўлишига шароит яратилади. Бунинг учун зарур моддий имконият, қулай шароит, кенг ваколатлар тақдим этиляпти. Эндиги мақсад аниқ — давлат ташкилотлари билан бирга, “маҳалла еттилиги” ҳар бир иш, ҳар бир лойиҳага жиддий эътибор қаратиб, сидқидилдан ҳаракат қилса, барча мақсадларни маҳалланинг ўзига амалга ошириш мумкин.



СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“МИННАТДОРЛИК КИТОБИ”ГА ИЛИҚ ФИКР БИТИЛГАН И БИЗДАН РОЗИ БЎЛГАНИДИР

МАНЗАРА

ХАФСАЛАСИЗЛИКНИ ҒАЙРАТ, ТУШКУНЛИКНИ ШИЖОАТ ЭГАЛЛАДИ

Қийналиб кун кечираётган хонадонга кириб қолсак, эътиборимизни тортадиган биринчи нарсаси — уларнинг тушқун кайфияти бўлади. Гапни омади йўқлиги, иши юришмаслигидан бошлаб, шу билан тугатади...

Зарина РАЖАБОВА,
Навоий шаҳридаги
“Тараққиёт” маҳалласи раиси.

Хақиқатан, эр ва хотиннинг тайинли касб-хунари йўқ. Муқим ерда банд эмас. Шунинг ортидан фарзандларини қийналиб боқаётганига гувоҳ бўласиз. Лекин бу ҳаракатдан тўхташ керак, дегани эмас. Агар улар билан бафуржа суҳбат қурилса, қизиқишлари, имкониятлари ўз-ўзидан юзага чиқа бошлайди. Айримлари чорвачиликни эпласа, бошқасининг кўлидан деҳқончилик келади. Фақатгина шундай қийин вазиятда уларни қўллаб юборадиган ёрдамчи керак.

Маҳалла тизимидаги тўққиз йиллик фаолиятимиз давомида бундай вазиятларга кўп гувоҳ бўлдим. Ечими ҳам жуда оддий. Кам миқдордаги имтиёзли кредит ёки субсидия ажратилишининг ортидан кишиларнинг нафақат турмуши, балки фикрлаши ва дунёқарашини кескин ўзгарганини кўрдим. Аввалги хафсаласизлик ўрнини ғайрат, тушқунлик ўрнини шижоат эгаллагани бизга ҳам илҳом бағишлайди.

8 254 нафар аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудимизни “Беш юлдузли маҳалла”, деб атагим келади. Сабаби, бизда аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар мўжайё. Мактаб ва боғчадан тортиб, хусусий клиникаларгача одамлар хизматларида. Замонавий савдо шохобчаларидан нима керак бўлса топасиз. Фуқароларнинг кўпчилиги Навоий кон металлургия заводида меҳнат қилади. Қолаверса, 26 та кўп қаватли уйда, асосан, ҳарбийлар яшайди. 754 та



якка тартибдаги хонадонларда эса кўпроқ нуруний отахон ва она-хонларимиз истиқомат қилишади. Улар йиғиннинг барча юмушларида бизга елкадош. Қандай масалаҳат ва йўл-йўриқ зарур бўлиб қолса, ҳаммаша тайёр.

Азамат Курбоновни шахримизда фаолият бошлаган биринчи заргар, десак янглишмаган бўламиз. У уйда ташкил этган корхонада 20 нафар йигитнинг бандлигини таъминлаган. 2007 йилдан бери шу соҳада фаолият юрताди. 2017 йилда ишлаб чиқаришни бошлаган. Охириги технология ва ускуналардан фойдаланади. Ўзига хос дизайни ва кўринишига эга тақинчоқлари лобар опа-сингилларимизни катта қизиқишига сабаб бўлиб келяпти. Келгусида тадбиркор имтиёзли кредит олиб, фаолиятини янада кенгайтирмоқчи. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 2026 йилда 12 вилоятнинг ҳар бирида савдо шохобчаларини ташкил этиб, аҳолига арзон ва сифатли маҳсулот етказиб беришни йўлга қўйишни ният қилган.

Шу кунларда маҳалламизда бунёдкорлик тадбирлари авжига чиққан. Худудимизнинг бўш турган ерида 35-40 қаватдан иборат 70 та уй қурилиши бошлаб юборилган. Бу эса кўплаб янги иш ўринлари очилишига замин яратиб берапти. Қолаверса, келажакда ташкил этиладиган хизмат кўрсатиш ва савдо дўконлари аҳолига янада кенг тақлиф ва имкониятлар тақдим этиши билан диққатга сазовор.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шахноза
РАХИМХУЖАЕВА
тайёрлади.

Шаҳримиздаги “Матонат” маҳалласида яшовчи Светлана Кремлёва ҳаётда кўп синовларни бошидан кечирган инсон. Томир атеросклерози туфайли ўзи ва унинг турмуш ўртоғи оёғидан айрилган. Аммо бугун улар меҳр, ғамхўрлик ва эътибор оғушида яшамокда.

Диёржон ЭЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Навоий шаҳар бўлими бошлиғи.

Маҳалладаги ижтимоий ходим оилани комплекс баҳолаб, хизматлар режасини белгилади. Хусусан, хонадони аравачада ҳаракатланмиш учун мослаштирилди. Уларга ижтимоий ходим ассистенти тайинланди. Уйда тиббий-ижтимоий реабилитация хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Томирларимда атеросклероз пайдо бўлди, — дейди **Светлана Кремлёва**. — Аввал бир оғим, кейин иккинчи оғимдан айрилдим. Илгари биз лифтсиз бешинчи қаватда яшар эдик. Жуда қийналардик. Кейин бир яхши одам ёрдами билан хонадонимизни бошқасига алмаштиришга эришдик. Шундай қилиб, бу ерда кўчиб келдик. Ҳозир хонадонимиз тўлиқ жиҳозланган. Кўчага чиқишимиз қулай бўлиши учун пандус ўрнатилди. Энди эса хоҳласак дўконга ҳам, бозорга ҳам бора оламиз. Ижтимоий ходим ассистенти эса доимий кўмакчимиз. Барча юмушларимизни бажаришда сидқидилдан ёрдам бериб келяпти.



2 нафар I гуруҳ ногиронлиги бўлган кишига аравача тақдим этилди. Натижада уларнинг ижтимоийлашуви таъминланиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланди.



“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” мактабида тажриба қўлами кенг!

Шермамет ҲОЛИКОВ,
Навоий шаҳридаги
“Умид” маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда ҳаёт жуда жўшқин. Ҳамманинг ўз юмуши, сеvimли машғулоти бор. “Еттилик” вакиллари халққа хизмат кўрсатишдан хурсандимиз. Худудимизда истиқомат қиладиган 4 793 нафар аҳоли вакиллари билан ишлаш жараёнида уларга янада яқинроқ бўлишга, муаммоларига ечим топишга ҳаракат қиляпмиз. Айниқса, оилалар мустақамлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Сабаби, фарзандлар тақдирини жамият эртасида катта аҳамият касб этади. Ажрашаётган айрим оилаларнинг 3-4 нафардан қизи бор. Уларнинг тарбияси ва келажакда эса ота ва онанинг ўрни алоҳида.

Уртасида можаро келиб чиққан эр-хотинларга шу



ҳақиқатни тушунтириш учун кўпинча ёши улуг инсонлардан ёрдам сўраймиз. Уларнинг катта ҳаётий тажрибасига таяниб, қанчадан-қанча оилаларни яраштиришга эришдик. Қолаверса, тизим наشري ҳисобланган “Mahalla” газетасидан бу йўлда асосий дастак сифатида фойдаланамиз. Юртимизнинг бошқа маҳаллаларида қўлланаётган тажрибаларни ўрганиш бизга катта мактаб вазифасини ўтаяпти. Шу боис ушбу нашрга биринчи-лар қаторида обуна бўлдик.

“Янги ҳаёт” маҳалласидаги ижтимоий ҳимоя соҳасида қилинаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Худудда истиқомат қиладиган 107 нафар ногиронлиги бўлган фуқаронинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида тизимли хизматлар йўлга қўйилган. Хусусан, улардан 58 нафарига куз-киш мавсуми учун бир миллион сўм миқдорда бир марталик компенсация ёрдами кўрсатилди.

Ўлом Жабборовда II гуруҳ ногиронлиги мавжуд. У шу кунга қадар ҳеч қаерда ишламас эди. Қизиқиши ва интилишини инобатга олиб, унга имтиёзли равишда кредит ажратилди. Бу ёрдам фуқаронинг ҳаётида катта бурилиш ясади. Бозордан ижара асосида дўкон олиб, болалар кийим-кечақларини сотишни йўлга қўйди. Ҳозир кунлик даромади яхши, рўзгорини тебратишда дастак бўляпти.

Мазкур маҳаллада жорий йилнинг ўзида 3 та тикувчилик цехи ташкил этилгани хотин-қизлар бандлигини таъминлашда катта аҳамият касб этди. Ҳозир бу ерда 14 нафар аёл сеvimли юмуши билан шуғулланиб, даромад топапти.

Йил бошида “Баҳор” маҳалласидаги 44 та хонадон “Камбағал оилалар реестри”га киритилган эди. “Еттилик” вакиллари уларнинг ҳар бири билан алоҳида ёндашув асосида ишлаб, керакли барча ёрдамларни кўрсатишди. Ўзини ўзи банд қилиш, тадбиркорликка йўналтириш орқали ҳозир вазият тубдан ўзгарган. Оилаларнинг даромади ортими сабаб иқтисодий етишмовчилик ортидан келиб чиққан можаролар камайди. Бекорчилар банд қилинган, жиноятчилик барҳам топди. Аввалига қийналиб кун кечираётган хонадон вакиллари энди маҳалладаги “Миннатдорлик китоби”га ўзининг илиқ фикрларини ёзиб кетиляпти.

Бугун қай бир худуд, қай бир маҳаллага борман, шундай ўзгариш ва янгиликларга гувоҳ бўласиз. Эҳтиёжмандларнинг қўллаб-қувватланаётгани, ночорларга кўрсатилаётган ёрдамлар сабаб қалбларда шукроналик ҳукмрон.



Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҲУКУМАТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



2026 йил 1 сентябрга қадар ЯҒОНА ЭКОЛОГИК ОНЛАЙН ПЛАТФОРМА фаолияти йўлга қўйилади.



Ўзбекистон 2040 йилга бориб УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ҳажмини икки баробарга, ипотекани эса 10 баробарга оширади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ НАМАНГАН ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ихтисослашув салоҳияти яхши яшаш имкониятини беряпти

МАНЗАРА



Марказдан 2 километр узоқ-ликда жойлашган маҳалламиз энг намунали ҳисобланади. Тўй-маъракаларда, жамоатчилик ишларида, ҳашарларда аҳоли ҳамиша ҳамжиҳат ва бир-бирига елкадош. Шундан бўлса керак, одамлар ўзаро меҳр-оқибатли. Натижаларимиз ҳам шунга монанд салмоқли.

“НАТИЖАЛАР САЛМОҚЛИ, МАҲАЛЛАМИЗ НАМУНАЛИ”

Элёр ҲАКИМОВ,
Наманган туманидаги
“Навқирон” маҳалласи раиси.

2024 йилда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган “Мустақиллигимизнинг 33 йиллигига 33 та лойиҳа” танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлдик.

Тажрибадан маълумки, барча иллатлар онаси — бекорчилик. Шу сабабли ҳудудда бандликни таъминлашга катта эътибор бердик. Натижада ўтган 2 йил сарҳисоби-га кўра, бирорта жиноят содир этилмади. Ҳозирда жиноятчилик, оилавий ажралиш-лардан холи ҳудудмиз.

“Фуқаробай”, “маҳаллабай” ўрганишлар орқали муаммоларга ечим топпимиз. Масалан, “Еттилик” ташаббуси билан 2 километр пиёдалар йўлакчаси курдик.

Президентимизнинг “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида”ги қарори бизни янада фаолликка чорлади. Ўтган йили “Ташаб-бусли бюджет” лойиҳаси орқали бир неча йиллардан буён таъмирга муҳтож йўли-мизнинг 3 километри асфальтланди.

Томорқачилик, деҳқончилик ва чорва-чилик йўналишларида янги лойиҳаларни жорий этишга киришганмиз. Илғор иш услубларини қўллаш орқали аҳоли даро-мадини оширишга эришяпмиз. Тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш натижасида янги иш ўринлари пайдо бўляпти.

Маҳалладошимиз Нуриддин Сатто-ровга 30 миллион сўм молиявий кўмак бериш орқали 2 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Тадбиркор бу маб-лағ эвазига туну кун ишлайдиган савдо дўконини ишга туширди.

Келгуси режаларимиз ҳам улкан. Унга кўра, “Маҳалла бюджети” маблағи ҳисоби-дан барча кўчаларни ёритиш чироқлари билан таъминлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, кузатув камералари ўрнатмоқ-чимиз.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

Ҳамма ҳам яхши яшашни хоҳлайди. Кимдир шунга эришиш учун интилади, изланади, кимдир бунинг акси. Камбағал ва ўзига тўқ оилалардаги фарқ шундан келиб чиқади. Одамлар билан мулоқот жараёнида айрим кишиларнинг дунёқараши, ерга бўлган муносабатини ўзгартириш кераклигини сезаман.

Дилбар ҲОШИМОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Наманган тумани бўлими бошлиғи.

Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деган-ларидек, “маҳалла еттилиги” билан қайси хонадонга ёрдам кўрсатилган бўлса, бошқалар унинг самарасини кўзи билан кўриб, жорий қилсин, рўзғори обод бўлсин, деган шиорни илгари суряпмиз. “Қўшнимга беришибди, менга ҳам беришади”, деган фи-крнинг хатолигини тушунтиряпмиз.

Тумандаги мавжуд 50 та маҳаллада яра-тувчанлик, бунёдкорлик руҳи ҳукмрон. Йил бошида ишсизлар 5,8 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу рақам 5 фоизга, камбағаллик 9 фоиздан 2,5 фоизга тушди. Хусусан, инвестиция лойиҳалар, тадбиркорликни ривожлан-тириш, томорқачилик ҳисобига аҳоли доимий ва мавсумий ишларда банд қилинди.

Жорий йил 5 гектар майдонда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, 50 та янги иш ўрни яратилди. Бунинг натижасида бюджет тушуми 150 миллион сўмга ошди.

Жараёнда аксарият йиғинлар ихтисосла-шув имкониятидан самарали фойдаланяпти. Масалан, “Наврўз” маҳалласи гулчиликка ихти-сослашган. Аҳолининг 40 фоизи шу иш билан машғул. Уларга янада қулай шароит яратиш мақсадида жами қиймати 6,8 миллиард сўмлик марказ ва кооперация ташкил этдик. Ишсиз, кам таъминланган оилалар ўзларига ажратилган ижара ерида ихчам иссиқхоналар курди. Ушбу лойиҳа 100 нафар фуқаронинг



бандлигини таъминлади, “драйвер” соҳа кен-гайди. Бу тажриба “Бешкапа” маҳалласида ҳам жорий этилиб, 5 гектар ижара ерида 150 та иш ўрни яратилди.

“Анжирзор” маҳалласи номига мос тарзда янгиликка қўл урди. Ҳудудда азалдан ан-жир етиштириш анъана тусини олган. 185 та хонадон шу йўналишда даромад топади. Аммо фақат хомашё етказиб берувчи ҳисобланарди. Энди тайёр мевани қайта ишлаш ва қадоқлаш ҳам йўлга қўйилади. Шу мақсадда кооперация ташкил этиш ишлари бошланди. Бу билан 10 та янги иш ўрни яратилиб, бюджет тушуми 120 миллион сўмга ошади. Бундан ташқари, “Қорақўл-2” кичик саноат зонасидаги бўш турган 2,8 гектар ер майдони аукцион сав-досида сотилиши белгиланган бўлиб, 14 та лойиҳа жойлаштирилади. Натижада яна 100 дан ортиқ янги иш ўринлари пайдо бўлади. Йил якунигача тадбиркорликни ривожланти-риш орқали 13 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланиб, 923 та оила камбағалликдан чиқарилади. Маҳаллаларда 300 дан ортиқ янги сервис объектлари ишга тушади.



“Маҳалла еттилиги” ходимларига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳомийлар ёрдамида ва ҳашар йўли билан “Тепа қиёт” маҳалла фуқаролар йиғини биноси янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, янги, замонавий бинода “еттилик” учун барча шароит яратилган. Замонавий моддий-техника воситалари ва мебель жиҳозлари билан таъминланган.



“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” “еттилик”ка тайёр кўмакчи”

Азимжон ЖўРАЕВ,
Наманган туманидаги
“Кўл бўйи” маҳалласи раиси:

— Тизим ҳаёти, “еттилик” фаолиятини ёритишда ҳеч бир нашр “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgisi” журнали ўрнини боса олмайди. Бунинг фаолиятимда ҳар кун, ҳар соғинада ҳис этаман.

Мурожаатчилар билан ишлаш жараёнида турли баҳсли вазиятларга ҳуқуқий жавоб-ни айнан сеvimли газетамиздан топаман. Мисол учун, яқинда алимент масаласида маҳаллаларда учрайдиган саволга аниқ ва

лўнда жавоб олдим. Яъни, айрим оилаларда гарчи эр-хотин бирга яшаса-да, эр фар-занд таъминоти учун маблағ ажратмайди. Шундай вазиятда қандай йўл тутишга иккиланиб қолар эдик. Газетада чоп этилган ҳуқуқшунос изоҳи барча саволларга аниқлик киритди.

Маълумки, соҳа ходимлари зиммасига аҳоли саломатлигини яхшилаш, ҳудудлар-да соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юкланган. Бу йўналишда ҳам газета яқин кўмакчи бўляпти. Уннинг саҳифаларида чоп этилаётган мақолалар тайёр қўлланма вазифасини ўтапти.

ТАЖРИБА

ЎЗАРО ИНОҚЛИКДАН ТАРҚОҚЛИК БАРҲАМ ТОПДИ

Эътиборга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш халқимизга хос қадрият. “Маҳалла еттилиги” ҳамда аҳоли ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисида муаммо йўқ, десак муболаға бўлмайди. Аҳолининг аҳиллиги ва тотувлигига ҳамма ҳавас қилади. Айниқса, эҳтиёжманд оилаларни қўл-лаб-қувватлаш борасида қатор эзгу ишлар амалга ошириляпти. Мисол учун, шу кунларда саховатпеша юртдошларимиз кўмагида кам таъминланган оила учун янги уй барпо этиш жараёни давом этяпти.



Маҳалла-да яшовчи Рустамжон Мамадалиев ўз томорқа-сида 60 га яқин зотдор қўйларни кўпайтирган.

Ғулмжон НУРИДДИНОВ,
Наманган туманидаги
“Анжирзор” маҳалласи раиси.

Достонбек Собиров ва Нодира Эгам-бердиева “Камбағал оилалар реестри”да рўйхатида туради. Уларнинг 3 нафар вояга етмаган фарзанди бор. Ишсиз бўлгани учун оила оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган. Шу боис маҳалла ахли, ҳомийлар ёрдамида уларга 6 хона уй қуриб беряпти. Бугун бу хайрли ташаббус якунланиш палласида.

Албатта, бу — ҳозирча бир-ламчи ўрганиб чиқилган жара-ёндан кейинги ишлар. Мақса-димиз — келгусида оилани ўз даромад манбаига эга бўли-шини таъминлашдир. Бунинг учун эр-хотиннинг қизиқишига кўра, савдо дўкони ташкил этишни режалаштирганмиз.

Натижада оила тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб, камбағалликдан чиқарилади.

Юқорида таъкидлаганим-дек, ҳудуд аҳолиси жуда иноқ. Мана шу хислатимиз сабабли “Ташаббусли бюджет” лойиҳа-сида ички кўчаларни асфальт-лашга эришдик. Шунингдек, ҳашар орқали 2 километр узунликдаги ариқ бетонлашти-рилди.

Томорқа — нафақат даро-мад манбаи, балки бандликни таъминлаш восита ҳам. Маҳал-ламизда бу йўналишда ишсиз аҳолини иш билан таъминлаб, яшаш шароитини яхшилашга эришяпмиз. Абубакр Даминов ўзининг 10 сотихли томорқа-сига саримсоқпиёз экиб, яхши даромад олади. Аксарият хо-надонларда анжир етиштири-лади. Бундан ташқари, касана-чилик асосида 400 нафар аёл уйда ўтириб, ўзини ўзи банд қилган. Улар рўмол ва жемпер тўқийди.





Январь-октябрь ойларида ичимлик ва оқова сув тармоқларига 4,3 мингдан ортиқ **НОҚОНУНИЙ** УЛАНИШ ҲОЛАТИ аниқланди.



Тошкентда Ўзбекистон байроғининг 34 йиллиги муносабати билан **ҲАРБИЙЛАРНИНГ** ТАНТАНАЛИ ПИЁДА ЮРИШИ бўлиб ўтди.



“Ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатувчи **“ШОВОТ-ТОШХОВУЗ”** ҚЎШМА ЧЕГАРАОЛДИ САВДО ХУДУДИ ишга туширилди.

ЖИЗЗАХ
ВИЛОЯТИ
ЯНГИОБОД
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ҲАЙРАТГА СОЛУВЧИ ЛОЙИҲАЛАР САБАБЛИ ТУРМУШИМИЗ ЯНАДА ФАЙЗЛИ

ИБРАТ

“ОИЛАЛАР АЖРАЛИШИ БИЗ УЧУН УЯТ!..”

Икки ёш катта орзу-умидлар билан турмуш қуришганди. Аммо йил ўтмай, ўзаро тушунмовчилик туфайли ажралиш арафасига келиб қолди. Сабабини ўрганганимизда, жанжал “айтди-айтди” туфайли содир бўлгани аниқланди. Аввалига келин-куёв айтишуви кейинчалик қудаларнинг ўзаро муносабатларига путур етказган.



Иброҳим БОБОЕВ,
Янгиобод туманидаги
“Шодлик” маҳалласи раиси.

Зудлик билан маҳалла фаоллари, масъуллар оиланинг яраштиришга ҳаракат қилдик. Икки тарафни тингласангиз, иккиси ўзича ҳақ. Ҳатто ёшларга ўрناк бўладиган катталар ҳам жим турмайдди. Ишни, аввало, шундан бошладик. Қудаларни муросага келтириш учун оқсоқоллар, уруф катталари иштирокида суҳбат ўтказдик. Жамоатчилик назорати, яқинлар маслаҳати иш бериб, қудалар инсофга келди. Кейин биргаликда ёшларга тўғри йўналиш бердик. Шу тариқа ажралиш ёқасига келиб қолган оила сақлаб қолинди.

Гувоҳ бўлганингиздек, маҳаллада низоли оилалар учраб туради. Лекин ажралишларга йўл қўймаймиз. Утган икки йилдан бери, оилавий ажралишлар, жиноятчиликдан холи ҳудудимиз.

Хўш, бунга қандай эришяпмиз? Биринчи навбатда, ҳар бир хонадон билан индивидуал иш олиб боряпмиз. Бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун сабабини аниқлаш ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан муайян чора-тадбирлар белгилаб олганмиз.

Жараёнда маҳалла фаоллари, кекса отахон-онахонлар, ибратли оила вакиллари кўмак беряпти. Барча соҳаларда жамоатчилик назоратини ўрнатганмиз. **Одамларимиз учун оилавий ажралиш уят ҳисобланади.**

Никоҳга киришиш арафасида турган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, турмуш синовларига бардош бера олиш кўникмасини шакллантиришга доир суҳбатлар ўтказаяпмиз. Икки ёш бир-бирининг феъл-атворини ўрганиши учун имконият яратаяпмиз.

Оилавий келишмовчиликлар, асосан, моддий етишмовчиликдан келиб чиқади. Шу боис никоҳланувчиларнинг иш билан банд қилишга эътибор беряпмиз. Эр-хотинни иш билан таъминлаш оила бюджетини қўшимча даромад эвазига мустақамлашга ҳисса қўшяпти.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

Лазиз РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Янгиобод тумани бўлими бошлиғи.

Аслида, оила иқтисодини таъминлаш учун кўп нарсга керак эмас. Озроқ ҳафсала, интилиш ҳамда меҳнатга лаёқат бўлса бас. Буни яхши англаган юртдошларимиз томорқадан самарали фойдаланиб, ҳар қарич ердан катта даромад топпокда. “Савод” маҳалласида яшовчи Илҳом Утаганов хонадонига кирган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Оила даромадини таъминлаш учун паррандачилик йўлга қўйилган. Дастлаб гўшт учун броллер товук парваришлаган бўлса, ҳозирда жўжа очириб, сотмоқда. Етакчи тадбиркор сифатида маҳалладаги 10 та хонадонга жўжа тарқатди. Аҳамиятлиси, уларнинг емишини ҳам етказиб бериб, ўзи сотиб олади. Бундан ташқари, 10 қути асалари парваришлайди. 40 сотих ерда сабзи эккан. 80 сотих майдонда картошка етиштирмоқда. “Наминкон” маҳалласида яшовчи Шерзод Эсиргапов 3 сотих иссиқхонада лимон парваришлайди. Томорқасида турли сабзавот маҳсулотлари пишади. “Шодлик” маҳалласида яшовчи Аваз Холмирзаев паррандачиликдан кунига 100 минг, ойига 5 миллион сўм даромад топпокда. 30 сотих ерда pista ва манзарали арча кўчати етиштирмоқда. Бу ҳам бюджетга қўшимча даромад келтирмоқда. “Баландчақир” маҳалласида яшовчи Санжар Маманазаров тадбиркорларга берилган имкониятдан фойдаланиб, 40 миллион сўм



Тўй ва маросимларда исрофгарчиликка чек қўйиш, миллий қадриятларни тарғиб этиш мақсадида Янгиобод туманида 90 кунлик “Маромийлик маданияти” дастури иш бошлади.

имтиёзли кредит эвазига алюмин профилдан эшик ва ром ясашни йўлга қўйди. Бу орқали 4 нафар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади.

Айрим маҳаллаларда ҳудуд шароитига хос йўналишлар ривожланмоқда. Масалан, “Хўжамушкент” маҳалласи аҳолисининг баҳор ва ёз ойларида қўли-қўлига тегмайдди. Боиси 31 та хонадонда қурт тайёрлаб, сотиш йўлга қўйилган.

Вилоятда ташкил этилган “Ислохотлар штаби” томонидан 200 та лойиҳа тақдим қилинган бўлиб, шунинг 5 таси Янгиобод туманида амалга оширилади. Жумладан, яйловларда Мўғулистондан зотли қўй келтириб боқиш, 193 гектар майдонда боғ яратиш, 1 338 гектар ерни ўзлаштириш, Хўжамушкент зиёратгоҳида зиёрат туризмни ривожлантириш каби мақсадлар яқин бир йилда амалга оширилади. Бу орқали камбағаллиқни қисқартириш, ишсизликни камайтириш каби устувор мақсад қўзланган.

Янгиобод — худди ўзлаштирилмаган қўриқ. Туманда

бир йилда 400 тоннагача асал олинади, аммо у “Зомин асали” номи остида тарқайди. Ҳозир ана шу географик номи юзага чиқариш ҳаракатидамиз. Мева-сабзавот кўп бўлса-да, қайта ишлаш йўлга қўйилмаган. Кейинги эътибор ана шу соҳаларга қаратилган.

Туманининг марказдан олисдалиги ва ўзига хос жойлашуви инвестиция қиритиш учун бироз ноқулай. Аммо имконият изланса, ечим топилади. Шу йилнинг ўзида Туркия, Хитой ва Россия давлатларидан инвесторлар келиб, ўрганиш олиб бориши. Салкам 100 млн. АҚШ долларлиқ инвестиция шартномалари имзоланди.

МАНЗАРА

КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚИШГА УРИНМАСЛИК — АЙБ!

Янгиҳаёт кўчасида яшовчи “Камбағал оилалар реестри”да турган Шерзод Исмоиловнинг томорқасига 0,5 сотих ҳажмда иссиқхона қуриб, лимон кўчатлари экилди. Қолаверса, 5 сотих майдонда боғ барпо этилди. Шу орқали оила камбағалликдан чиқарилди. Юлдуз Облакулованинг эса яшаш уйи ҳомийлик асосида таъмирлаб берилди. Бу — маҳалламизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида бажарилган ишлардан бир мисол.



Алишер КАРИМОВ,
Янгиобод туманидаги
“Баландчақир” маҳалласи раиси.

Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган ҳайрли иш умуммиллий ҳаракатига айланиб улгурди. Аслида, камбағаллик айб эмас, балки ундан чиқишга интимаслик, бировга қарам бўлиб ашаш айб. Бу ҳақида тарғибот тадбирларида тушунтиряпмиз. Шу боис бугун ҳамма меҳнат қилишга, рўзгорини бутлашга интилоқда. Бундан ташқари, республика, вилоят, туман даражасидаги раҳбарлар бириктирилиб, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга кўмаклашяпти. Ҳомийлик маблағлари асосида кам таъминланган, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган оилалар хонадонига моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Эҳтиёжманд оилаларга мотокультиватор, тикув машинаси, мотороллер, компьютер жамланмаса каби воситалар берилляпти.

Йил бошида 98 та камбағал оила рўйхатга олинган бўлса, бугун атиги 18 та қолди. Асосан, камбағал оила аъзоларини ишга жойладик, томорқадан бандлигини таъминладик.

Республика ишчи гуруҳи вакиллари келиб-кетгач, ҳудудни “оғир” тоифадан чиқариш ва камбағаллиқни қисқартириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Хусусан, ишчи гуруҳи аъзолари аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида сув қудуқлари қазिश, шу билан бирга, хонадонларда иссиқхоналар ташкил этишга амалий ёрдам беришди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш борасида ёшлар етакчиси бизга яқиндан кўмаклашмоқда.

Ёшлар дафтарида турган Дилрабо Равшанбекова тадбиркорликка қизикарди. Унга 28 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига тикув машиналари сотиб олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйди. Бугунга келиб, шогирдлари билан буюртма асосида тўн, нимча, қўйлақ, замонавий услубда пардалар тикмоқда. Ўзи билан бирга, яна уч нафар қизни иш билан таъминлаб, уларга тикувчилик касбини ўргатмоқда.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗЧИ?”

“Mahalla” — янги ғоя, фикр, ташаббус майдони

Шавкат ЖЎРАЕВ,
Янгиобод туманидаги “Дўстлик” маҳалласи раиси:

— “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнали соҳа вакиллари учун энг керакли ва зарур нашр ҳисобланади. Ўзим узоқ йиллардан бери маҳаллада ишлаганим учун буни яхши англайман. Бойси ундан кўп маълумот оланман, ҳам-касбларим тажрибасини ўрганганман.


Газетанинг “Мулоҳаза”, “Фикр”, “Манзара”, “Тажриба”, “Саломатлик” сингари рункларидан долзарб мақолалар эълон қилинади. Ўқувчини фикрлашга ундайди.

Мен учун “Mahalla” газетаси — фикр, тажриба ва ташаббус майдони. Нафақат ахборот беради, балки таҳлил қилишга ўргатади. Ҳар бир сонини мутлола қилганимдан сўнг соҳага доир тажрибам ошади, янги ғоялар туғилади.





Давлат корхоналари
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ
сони 10 фоизгача
қисқартирилади.



МИЛЛИЙ ТУРИЗМ
ЯГОНА ПЛАТФОРМАСИ
ва унинг мобил иловаси
ишга туширилади.



Ўзбекистонда
“ТОЗАЛИК ВА
ОЗОДАЛИК ОЙЛИГИ”да
жами 422,4 минг тонна
чиқинди олиб чиқилди.

ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ
КЎҚДАЛА
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ҲАЁТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРГАН ТАМОЙИЛЛАР ТУФАЙЛИ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ИЗЧИЛ

●●●●● НАТИЖА

“ГАЗ БЎЛГАНДА, ЧИННИ КЛАСТЕРГА АЙЛАНТИРАДИК...”

Худди Самарқанд нонидек, бошқа жойларда тайёрланадиган жиз таомлари ўмакайниқдек мазали чиқмайди. Бунга биринчи сабаб, географик жойлашув. Қолаверса, табиати, об-ҳавоси ўзгача. Бу ерда боқилаётган қўйлар қир-адирларда турли ўт-ўлан ва гиёҳлар еб, доим оёқда юради. Шунинг учун гўшти ширин бўлади.



Абдухалил ҚУРБОНОВ,
Кўкдала туманидаги
“Ўмакай” маҳалласи раиси.

Хозир “Қарши – Тошкент” автомобиль йўли бўйидаги 11 та ошхонада айнан “Ўмакай” жизи тайёрланади. Уларнинг барчаси кечаю кундуз мижозлар билан тўла. Аҳолининг 30 фоизи уларни гўшт билан таъминлайди.

Аҳолимиз азалдан савдогар халқ. Бутун республика бўйлаб, хонадонма-хонадон юриб, чинни идишлар сотишган. Бу жараён хозир ҳам давом этапти. Аҳолининг етмиш фоизи шу иш билан банд. Улар Самарқанд, Тошкент ва Қўқон чинни буюмларини ул-гуржи нархларда харид қилиб, вилоятлар, қўшни давлатлар, ҳатто Россияга ҳам кўча тижорат шаклида сотиб келишяпти. Ўзимизда табиий газ муаммо, йўқса, шу ерда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, чинни кластерга айлантирган бўлардик.

Ёши улуғ инсонлар хонадонларида ҳамон гиламчилик анъанаси давом этапти. Зайнаб Курбонова, Кундуз Эшмуродова каби онахонлар фарзандларини ёнига олиб, қўй ва эчки жуни ҳамда пахта толаларидан гилам тўқиб, даромад олишяпти. Улар ёш келин-куёвларга кигиз тайёрлаш ва кашта тикишни ҳам ўргатиб келишяпти.



Маҳаллада бирорта бўш юрган одамни кўрмайсиз. Барчаси бор имкониятдан фойдаланиб, даромад олиш илинжида. Деҳқончилик фақат лалми ерлардан иборат бўлгани учун об-ҳавонинг қандай келишига қараб, буғдой, махсар, соя, кунжут ва тарвуз экишади.

Президентимизнинг маҳаллаларга қара-таётган эътибори сабаб, бизнинг маҳаллага ҳам оқова сув келди. Гап шундаки, йиллар давомида маҳалла этагидан оқиб ўтган Эски анҳор каналидаги сувни кўрардигу лекин ундан фойдалана олмасдик. Жорий йил “оғир” тоифадаги маҳаллалар рўйхатида киритилгач, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ушбу каналга 3 та насос ва алоҳида трансформатор қўйилди. Мазкур насослар ёрдамида каналнинг юқори қисмида жойлашган маҳалла ҳудудига сув тортиб чиқариляпти. Бундан оқилона фойдаланиш мақсадида энг юқори нуктада ҳашар ёрдамида 500-600 тонналик ховузлар ташкил этдик. Ҳар бир оила ундан томорқа ерларига қувурлар тортиб, сугориш тизimini йўлга қўйди.

Бугун ўмакайликлар Президентимиздан жуда миннатдор. Насиб, яқин йилларда “Ўмакай” ҳам боғу бўстонга айланади. Энг муҳими, деҳқончилик ривожланиб, юзлаб иш ўринлари яратилади.

Бугун ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётда ўз аксини топмоқда. Кўкдала туманидаги янгиланишлар бунга бир мисол. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур туманда кенг қўламли қурилиш ва инфратузилма лойиҳалари, аҳоли учун қулай шароитлар яратилляпти. Илгари ян-тоқзору кенгликлардан иборат бўлган Кўкдала заминиди бугун шинам, замонавий шаҳарча қад ростлади.

Асадулла НУРИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Кўкдала тумани
бўлими бошиғи.

Бу шаҳарчада нафакат турар жойлар, балки болалар майдончалари, ички йўллар, яшил ҳудудлар ва хизмат кўрсатиш марказлари уйғунликда қурилмоқда. Сўнги уч йилда маъмурий бинолар, мактаб ва боғчалар,



шифохоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари барпо этилди. 35 та маҳалланинг барчаси замонавий бинога, зарур шарт-шароитларга эга бўлди.

Қурилишлар одамларнинг ҳаётини ўзгартирди. Авваллари бирон юмуш юзасидан 70-100 километр масофа босиб, узокдаги марказга боришга мажбур бўлган фуқаролар энди барча хизматларни ўзига яқин жойда оляпти. Янги “Етти-том” шаҳарчасининг барпо этилиши инсонда хоҳиш, истак, ҳаракат бўлса, катта ишларга қодирлигини кўрсатмоқда.

Янги туманда янги “драйвер” шаклланди. Бугун Кўкдала тарвузи жаҳон бозорларини эгаллади. Ўзгача таъмига эга эр-тапишар тарвузлар бутун дунё экспортёрларини жалб қилмоқда. Айниқса, Қозоғистон, Россия ва Монголияга катта ҳажмда экспорт қилиняпти. Ўтган йил 300 мингдан ортиқ 8 миллион долларлик тарвуз маҳсулоти экспорт қилинган бўлса, жорий йил бу кўрсаткич икки бараварга ошди.

Жамоавий ҳамжиҳатлик – муваффақият калитидир. Бугун туман раҳбаридан тортиб,

“маҳалла еттилиги”, уйбошилар, кўчабошилар ва фаоллар бир бўлса, ҳал қилинмайдиган масала қолмайди. Бунга эришилган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, туман миқёсида йил бошидан буён 27 минг 998 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. 2 155 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. 764 нафар аҳоли касб-ҳунарга ўқитилиб, даромадли қилинди. Шунингдек, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да турган икки мингдан ортиқ оила барқарор бандликка эришди.



Жорий йил “Ташаббусли бюджет” лойиҳалар орқали 19 та ички кўча асфальтланиб, битта қабристон ҳудуди бетон девор билан ўралди. Иккита мактабда спорт зал ва мини футбол майдони қурилди.

Шунингдек, узок йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ҳал этилди. Жумладан, 7 километр ички йўллар таъмирланди, 2,7 километр янги асфальт йўл қурилди, 35 километр туپроқ қўйлар қум-шағал билан мустаҳкамланди. 3,7 километр пиёдалар йўлағи барпо қилинди. Бундан ташқари, янги маҳалла бинолари, тикувчилик цехлари, спорт майдончалари ва дам олиш масканлари очилди. Натижада маҳаллалар кўриниши ва аҳолининг яшаш шароити бутунлай ўзгарди, эртанги кунга бўлган ишончи ошди.

Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, бундан буён ҳам ташаббускорлик, масъулият ва жамоавийлик тамойилларига асосланиб, туманимиз таракқиёти йўлида изчил фаолият олиб борамиз.

●●●●● ҲОЛАТ

ТАРВУЗ ДАРОМАДДАН ТУШГАНИ ЙЎҚ, АКСИНЧА КЎПАЙТИРЯПТИ

Ёғингарчилик яхши бўлса, ерга унум, чорвага барака қиради. Бироқ йилдан-йилга қурғоқчилик авж оляпти. Бунинг натижасида олдингидек, ғалла, нўхат, лалми тарвуз ҳам бўлмади. Лекин одамлар таслим бўлмади, даромаднинг янги йўналиши – эртапишар оби тарвуз етиштиришни йўлга қўйди.

Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Кўкдала туманидаги
“Хўжаобод” маҳалласи раиси.

Бугун 1010 та хонадоннинг 900 таси тарвуз билан шуғулланыпти. Улар ҳар йили февраль ойида хонадонларидаги иссиқхоналарда Голландиядан келтирилган тарвуз уруғларини кичик идишларга экиб чиқади. Март ойида униб-ўсган кўчатларни фермер хўжаликларидан ижарага олган ер майдонларига ўтказиб, устидан икки қават қилиб, селофан билан ёпишади. Девяри барча экинлар артезиан кудуғи ёрдамида сугорилади.

Айрим хонадонлар фақат тарвуз кўчати етиштириш орқали даромад оляпти. Улар орасида миллион-миллион тул қўчат етиштираётганлари ҳам бор. Бир дон тарвуз кўчатини 800 сўмдан 1,5 минг сўмгача сотишади. Энди у ёғини ўзингиз ҳисоб-ки-тоб қилаверинг.

Кувонарлиси, тарвузлар Қозоғистон, Қирғизистон, Монголия ва Россия давлатларига экспорт қилиняпти. Бунинг ортидан деҳқонлар йилига 400 миллион сўмгача даромад олишяпти. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, деҳқонлар тарвуз қатор ораларини ҳам бўш қўймайпти, унга кунжут экишяпти. Бу ҳам қўшимча даромад.



Одамлар фақат тарвуз билан чегараланиб қолмаяпти. Даромадидан табдиркорликнинг турли йўналишларини йўлга қўйиб, қўшимча даромад оляпти. Масалан, илгор тарвузчилардан бири – Хомид Мусаев автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини йўлга қўйди. “Қарши – Тошкент”, “Термиз – Тошкент” халқаро автомобиль йўли бўйида 24/7 режимида ишлайдиган табдиркорлик марказини ташкил этдик.

Хозир бу ерда 120 та табдиркорлик субъекти кечаю кундуз турли йўналишларда фаолият кўрсатапти. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, аҳолини ишсизлик ва камбағалликдан чиқариш бўйича яратилаётган имконият ва имтиёзлар сабаб, кўплаб аёллар ўз бизнесига эга бўлди. Масалан, “Аёллар дафтари”да турган ёлғиз она – Осиё Раҳимова дастлаб субсидия асосида иккита тикув машинаси олиб, хонадониди аёллар кийим-кечаклари тикишни бошлади. Бунортмалар сони ортача, сингисини ёнига ёрдамга олиб, яна олтига тикув машинаси харид қилди. Хозир 17 та тикув машинаси, 22 нафар ишчиси бор. Яна бир аёлимиз – Озода

Кодирова ҳам тикувчилик цехи ташкил этиб, ишсиз аёлларни ишли қилиш билан бирга, ўттиздан ортиқ хотин-қизларга ҳунар ўргатапти. Нигора Йўлдошева эса турли хил ширинликлар тайёрляпти. Бу ерда 9 нафар ишчисидан ташқари, ўнлаб аёллар пишириқ пишириш сирларини ўрганапти.



Маҳаллада лимончилик ҳам ривожланыпти. Ҳозирда қирқдан ортиқ хонадон эгалари иссиқхонасида лимон етиштириб, даромад оляпти. Келгусида узумчиликни оммалаштирамиз. Шу боис Хўжанур кўчасини обод қўчага айлантириб, ток эҳди, сўри қураямиз.

Яқинда ҳомийлар кўмаги ва ҳашар йўли билан усти ёпиқ катта Наврўз сайилгоҳини қурдик. Бу ерда турли табдир ва йиғинлар билан бирга, аҳоли тўй ҳам ўтказаяпти. Энг муҳими, тўй эгаси учун жой, идиш-товоқ ижараси ва бошқа хизматлар бепул.

Бир сўз билан айтганда, бугун интиланганга имкон кенг. Фақат шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш зарур.

●●●●● “МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla”да ислохотлар акси намоён



Нурали ЖАПИРОВ,
Кўкдала туманидаги
“Талоқтепа” маҳалласи раиси:

— Кўпчилик маҳалла иши осон, деб ўйлайди. Аслида эса аксинча. Турли соҳаларда ишлаган бўлсам-да, маҳалладек масъулятли ишни кўрмадим. Бу ерда кечаю кундуз иш қайнайди. Бироқ ишсизни ишли, камбағал оилани даромадга қилсанг, ногиронларга қўмак берсанг, уларнинг

раҳматини эшитиб, барча чарчоларинг унутилади. Ўзингни руҳан енгил ҳис қиласан, киши. Уч йиллик фаолиятим давомида “маҳалла еттилиги” билан биргаликда ана шундай савобли ишларга бош-қош бўлиб, халқнинг дуосини оляпмиз. Жорий йилнинг бошида рўйхатга олинган 224 нафар ишсиз фуқаронинг девяри барчаси ишли бўлди. 3 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида 5,2 километр ариқлар

бетонлаштирилди, 3 та трансформатор ва 80 та бетон-устун қўйилиб, кабеллар тортилди. Шу йилнинг ўзидида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг икки маъсумида ҳам ғолиб бўлиб, 5,2 километр ички кўчаларимиз асфальтланди. “Mahalla” газетасида маҳаллага оид мана шундай ислохотлар натижаларини ўқиб, кўз қувнайди. Шу боис ушбу нашрга обуна бўлиб, доим ўқиб бораман.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Рустам
ЮСУПОВ
тайёрлади.



Ота-она учун фарзандининг наркотик моддани истеъмол қилишини ИХТИЁРИЙ ТЕКШИРИШ ИМКОНИАТИ яратилади.



МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ: Ўзбекистонда 399,8 мингта тижорат ташкilotи бўлиб, уларнинг 313 мингтаси масъулияти чекланган жамиятлардир.



Ўзбекистонда тадбиркорларга чекларни 20 ноябрдан 10 декабргача ТАХРИРЛАШ ИМКONI берилади.

Mahalla

№94 | 2025 йил 22 НОЯБРЬ, ШАНБА

7

ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ПАРКЕНТ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ПАРКЕНТДА ЯГОНА ТУРИЗМ МАСКАНИ БАРПО ЭТИЛАДИ

Паркент тумани бугун фақат сархил узумлари билан эмас, балки Марказий Осиё марказида ўзининг маданий мероси ва хилма-хил табиий ландшафтлари билан машхур. Ёўзал хушманзара табияти, энг сара турли боғдорчилик махсулотлари ҳар бир кишини ўзига чорлайди. Шу боис экотуризм, этнотуризм, агротуризм ва гастротуризм марказига айланди.



ҲОЛАТ

ҲАТТО ҲАР БИР КЎЧАНИНГ ЎЗ "ЎСИШ НУҚТАСИ" БОР

Иккинчи гуруҳ ногирони Мадина Тўлаганова имтиёзли кредит олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозир тикув цехида ўзи билан бирга, яна олтига ишсиз хотин-қиз даромадли бўлди. Ишсиз юрган Жамолiddин Инояттов эса 30 бош қўй олиб, бўрдоқчилик билан шуғулланыпти. Қассобчилик қилиб, аҳолини гўшт билан таъминлаяпти.

Биргина анжирнинг ўзидан 50-60 миллион сўмгача даромад олишяпти. Узум ҳам сердаромад. Фуқарат Ражаббоев хонадонида узум етиштириш билан бирга, қўшимча узумзор ташкил этган. Чорвадор Толиб Тўрдибоев эса 40 бош чорва моллари боқиб, аҳолига ҳафта-сига 200-300 килограмм гўшт етказиб берапти.

Жорий йил Жамолiddин сингари ишсиз юрган тўрт нафар ёшга имтиёзли кредит берилиб, ишли қилинди. Норасмий ишлаб юрган 30 нафар ёш ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромад манбаига эга бўлди. Олий таълим муассасасида таълим олаётган Шахзод Эргашевга 5 миллион 600 минг сўм шартнома пули тўлаб берилди.

Фахриддин ШЕРМАТОВ,
Паркент туманидаги
“Бешкаппа” маҳалласи раиси.

“Бешкаппа” маҳалласи — туман марказидаги қадимий йиғинлардан бири. Бу ерда хонадонлар жуда зич жойлашган. Худудда йирик ишлаб чиқариш корхоналари йўқ. Шу боис фуқароларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар бир кўчани маълум йўналишларга ихтисослаштирдик. Масалан, Низомий кўчасини иссиқхонага, Тановор ва Деҳқонобод кўчаларини чорвачиликка, бошқа кўчаларни боғдорчилик ва анжирчиликка мослаштирдик. Айни пайтда Деҳқонобод ва Тановор кўчаларида ўндан зиёд фуқаролар ўз уйларида чорва моллари боқиб, элимизга гўшт махсулотлари етказиб берапти.

Аҳоли турли соҳаларда ишлаш билан бирга, томорқа ерларида анжир ва узум етиштиради. 447 та хонадоннинг 318 таси узумчилик ва анжирчилик, 128 таси чорва, иссиқхона ва боғдорчилик билан шуғулланади.

Кувонарлиси, фуқаролар маҳалла тараққиётига бефарқ эмас, қўлдан келган ёрдамларини аямаяпти. Шу боис маҳалла оилавий ажралиш, камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айланыпти. Бу борада “маҳалла еттилиги”нинг хизматлари алоҳида.



“Байтқўрғон – Паркент” электрлаштирилган 24 километрлик темир йўл фойдаланишга топширилгач, қатнов ва тадбиркорлик фаоллашиб, Паркент иқтисодиётининг суръати жадал ошади.

Фахриддин ДАДАМАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси
Паркент тумани бўлими бошлиғи.

ХУШХАБАР

КУМУШКОН ЁШЛАРИ КИТОБ ЎҚИБ, “IT” ЎРГАНАДИ



Паркент туманининг олис, тоғли худудидagi “Кумушкон” маҳалласида янги электрон кутубхона очилди.

Мазкур кутубхона зарур мебель жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, интернет тармоғига уланган 12 та замонавий компьютер, 200 дан ортиқ китоб фондига эга. Шунингдек, кенг ва шинам ўқув залида 10 мингдан ортиқ электрон китобларни ўқиш имконияти яратилган.

Зиё маскани кунига 50 нафарга яқин ёшларни қамраб олади. Жараёнда фойдаланувчилар электрон платформалар орқали билимини ошириши мумкин. Махсус ўқув курсларида эса улар компьютер технологиялари ва “IT” дастурлаш бўйича сертификат олиш имкониятига ҳам эга бўлади. Ҳозиргача шундай типдаги электрон кутубхоналар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларида ишга туширилган.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун бу каби ташаббуслар жуда катта аҳамиятга эга. Худуд туман марказидан 15 километр узоқликда жойлашгани учун ёшларнинг ҳар доим ҳам асосий кутубхонага боришга имкони йўқ эди. Эндиликда ёшлар дарсдан сўнг бу ерда ўзларига керакли билимларни олиши мумкин. Энг муҳими, маҳаллада китобхонлик янада оммалаштирилади.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Рустам ЮСУПОВ
тайёрлади.

Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда худуд инфратузилмаси такомиллашиб, аҳолига муносиб турмуш шароитлари ҳамда янги иш ўринлари яратилаяпти. Биргина туман марказидан оқиб ўтувчи Паркентсой қирғоғида қурилаётган экошаҳарни олайлик. Умумий майдони олти гектар бўлган мазкур массивда жами 5 минг 200 хонадонли 125 та кўп қаватли тураржой қад ростлайди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги байрами арафасида 13 та 5 қаватли 520 та хонадон ўз эгаларига топширилди. Бу ерда иккита мактаб, саккизта боғча, болалар майдончалари, 10 гектарли парк, сунъий кўл, сайилгоҳ ва велойўлаклар барпо қилинади. 17 километр ички йўллар таъмирланади. Массив нафакат обод турмуш учун, балки тадбиркорлик учун ҳам шароит яратади. Бу ерда 58 та нотураб бино қад ростлайди. Уларда савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари жойлашиб, 700 дан ортиқ иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Ана шундай ташаббусли лойиҳалардан бири — “Қайилма” маҳалласининг 20 гектар майдонида замонавий аттракционлар билан жиҳозланган “Аквапарк” қурилишидир. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан қурилиши бошланган мазкур лойиҳа республикада ягона бўлиб, унда истироҳат боғи, савдо дўконлари, 3 минг ўринли амфитеатр, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзаси ишга туширилади. Йилнинг 4 фаслига мўлжаллаб барпо этилаётган “Аквапарк” худудида аттракционлар, тапчанлар, декоратив қасрлар, меҳмонхона, далаларда етиштирилган мевалар савдоси учун кичик бозорча, фавворалар, авто тураргоҳлар барпо этилади. Умуман олганда, Паркентнинг туризм салоҳиятини намойиш этувчи мазкур лойиҳа ишга туширилгач, йилга 100 минг сайёҳни жалб қилиниши кўзда тутилмоқда. Натижада туман аҳолисидан 500 нафар киши иш ўрнига эга бўлади.

Бугун паркентликлар оддий боғбон эмас, уларнинг ҳар бири сувсиз ерларда узум етиштириш, узумни қайта ишлаш, бир неча ой сақлаш технологияларини мукаммал ўзлаштирган мутахасссдир. Шу боис Паркент узумлари, айниқса, маҳаллий “Ризамат” нави дунёга жуда машхур. Заркент кишлоғида аънаваний узумчилик тажрибаси ҳамда боғдорчилик махсулотларининг ноб тур ва навларини кенг оммалаштиришга қаратилган “Узум сайли” ва халқаро виночилик фестивалининг ўтказилиши ҳам беҳиз эмас. Чунки ҳар йил фестивалга 40 дан зиёд хориж давлатларидан мутахассислар келиб, миллион-миллион долларлик шартномалар тузишяпти. Бу эса аҳолининг барқарор даромадга эга бўлишига хизмат қилади. Қолаверса, бир миллион нафарга яқин сайёҳларни жалб этаяпти. Бу, ўз навбатида, маҳаллаларда туризм сервис хизматини ривожлантиришга, қўшимча даромад топишга хизмат қияпти.

Маҳалла қадимий – 1946 йилда ташкил этилган. Ўша пайтлар узум етиштиришга ихтисослаштирилгани учун бу ерга Франциянинг Шампан провинцияси номи қўйилган. Чунки ушбу провинция ҳам узумчиликка ихтисослашган.

МАНЗАРА

Равшан ОЙХЎЖАЕВ,
Паркент туманидаги
“Шампан” маҳалласи раиси.

Туман марказидан 16 километр олисда, тоғ ён-бағирларида жойлашган маҳалла худудида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган 27 та фермер хўжалиги бор. Бугунги кунда махсулотларнинг асосий қисми Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилиняпти.

Бугун деҳқончилик қилиш истагини билдирган ишсиз фуқароларга ер ажратиблиб, даромадли қилиняпти. Ҳозирда етмишдан ортиқ фуқаро шундай имкониятдан фойдаланиб, деҳқон хўжалигини ташкил этди. Унда олма ва узум етиштириб, рўзгорини обод қилиб, махсулотлари билан бозорларни тўлдиряпти.

Абдутолиб Эргашев 4 гектар ерда қимматбаҳо малина навини етиштиришни йўлга қўйди. Ҳозир бир килосини 160 минг сўмгача сотяпти.

Шампанликлар томорқачиликка ўзига хос мактаб яратган. Масалан, ўн нафарга яқин фуқаро турли хил ноёб манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни йўлга қўйган. Даромади зўр, ҳар бир кўчатни



500 минг сўмгача пуллаяпти. Яна йиғирмата хонадон тоқ кўчатлари билан шуғулланади. Шунинг ортидан яхшигина даромад топиб, уй қурапти, тўйлар қияпти.

“Бир маҳалла – бир махсулот” тамойили асосида ишларнинг тизимли йўлга қўйилиши аҳолига қулайлик яратмоқда. Чунки махсулот пишиб етилгандан кейин харидор топишда муаммолар бўлмайди. Бир махсулотни катта ҳажмда олувчи харидорлар эса доимо топилади. Шу боис маҳалла аҳолиси хонадонларида олма боғлари ташкил этган. Улар пишиб етилган олмаларни тўғридан-тўғри маҳалланинг ўзидан экспорт қилиб, ҳар бир хонадон ўртача 25 миллион сўмгача даромад оляпти. Боғ оралари ҳам бўш тургани йўқ, рўзғори учун полиз махсулотлари экиб, ердан унумли фойдаланяпти.


Бу эса аҳолининг даромади ошишига, фаровонлигини таъминлашга хизмат қияпти.



ХАСАНБОЙ ДЎСМАТОВ ва
АБДУМАЛИК ХАЛАКОВ
Дубай шаҳрида
IBA тизимида
ташkil этиладиган
ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА
иштирок этади.



Ўзбекистон
ФИФА рейтингда
беш поғона юқорилаб,
50-ўринни эгаллади.
Осиёда 5-ўринга
кўтарилди.



МИЛЛИЙ СПОРТИМИЗ —
кураш бўйича навбатдаги
15-жаҳон чемпионати
2025 йил январь ойида
Эрон давлатида
ташkil этилади.

“ТАҲЛИЛЧИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!



Шавкат ҚОДИРОВ,
жисмоний тарбия ва
спорт бўйича мураббий.

Маҳаллаларда спортга бўлган қизиқиш тобора
ортиб бораётгани кишини қувонтиради. Айниқса,
болаларнинг бардам, бақувват, соғлом улғайишини
истар эканмиз, уларни ҳаракатга, жисмоний
фаолликка йўналтириш — энг тўғри йўлдир.

МАҲАЛЛАДА “САЛОМАТЛИК ЯДРОСИ”ДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Енгил атлетиканинг
техник турларидан
бири — **ядро улоқтириш** кўп-
чилиққа фақат мусобақаларда
кўринадиган, мураккаб спорт-
дек туюлиши мумкин. Аслида,
бу машғулот соғлом ҳаёт учун
жуда фойдали бўлиб, уни ҳатто
маҳалла шароитида енгил
шаклда ўргатиш мумкин.

**Ядро улоқтириш куч, му-
вофиқлаштириш, чаққонлик
ва қатъиятни талаб қилади.** Бу
спорт билан шуғулланган ин-
соннинг қўл, елка, орқа, қорин
мушаклари мустаҳкамланади.
Айниқса, бутунги кунда кўпчи-
лик дуч келадиган бел огриғи,
букчайиш, қўл кучсизлиги каби
муаммоларнинг олдини олишда
жуда самарали. Ядро улоқти-

риш тезкорликни оширади,
танани барқарор ушлаб туриш-
ни ўргатади. Машқ давомида
юрak-қон томир тизими мус-
таҳкамланади.

Енгил югуриш билан бир-
га бажарилса, одамни янада
бардам қилади, фикрлашни
тетиклаштиради. Машқни тўғри
бажариш интизом ва масъу-
لياتни ўргатади. Спортчи ша-
моллаб қолмаслик учун машғу-
лот олдида танани қиздириши,
атрофдагиларга зарар етказ-
маслик учун масофага эътибор
бериши керак.

**Маҳаллаларда ядро улоқ-
тириш машғулотларини йўлга
қўйиш мушкул эмас.** Болалар
ва катталар учун енгиллашти-
рилган шаклдан фойдаланиш
мумкин: тўп, кум билан тўлди-
рилган кичик капток, юмшоқ
ядро ўрнини босувчи снаряд-
лар. Маҳалладаги бўш майдон
ёки мактаб ҳовлиси машғулот-
лар учун айна мудао. Ёшлар

етақчиси, жисмоний тарбия
ўқитувчилари, спортга қизиққан
отaxonлар ҳам болаларга
кўрсатиб, уларни қизиқтириши
мумкин.

**Болаларга ўргатишни жуда
содда ҳаракатлардан бошлаш
мақсадга мувофиқ.** Тўпни бир
қўл билан ушлаб туриш, муво-
занатни сақлаш, енгил силтаб
улоқтириш шулар жумласидан.
Шунда улар аста-секин куч
тўплашни, силташ техникаси-
ни, оёқ-қўл мувофиқлигини
ўзлаштира бошлайди. Бу эса
уларда нафақат жисмоний,
балки дадиллик ва мақсад сари
интилиш туйғусини уйғотади.

Маҳаллаларда ўтказила-
диган “Қувват кунини”, “Спорт

ҳафталиғи”, “Оила ва спорт”
каби тадбирларга ядро улоқ-
тиришнинг енгил шаклини
киритиш болалар учун ҳам,
ота-оналар учун ҳам қизиқарли
бўлади. Ёшлар ўртасида кичик
мусобақалар ташkil қилиш эса
уларни рағбатлантиради, ҳара-
катга ундайди.

Шуни унутмаслик керакки,
ҳар бир спорт турини ўргатиш-
нинг асоси — меъёр ва ҳавф-
сизлик. Ядро улоқтиришда ҳам
болаларга жуда юмшоқ, енгил
тўплардан фойдаланиш, уларни
бир-бирига яқин турмасликка
ўргатиш, ёшига мос вазн танлаш
муҳим. Аста-секин ривожланса,
улар ҳеч бир зарар кўрмай, ак-
синча соғлом, чаққон ва кучли
бўлиб улғаяди.

Сирасини айтганда, ядро улоқтириш — маҳаллада жорий қили-
ниши мумкин бўлган, осон, фойдали ва қизиқарли машғулот са-
налади. Бу спорт турини оммалаштириш орқали болаларимизни
аҳил, интизомли, соғлом авлод сифатида тарбиялаймиз.

••••• СОҒЛИҚ

Тўғри тузилса гар кундалик таом, кексалар кўринар тетик ва соғлом

**Кекса ёшдагилар, аввало, шифокор тавсиясига қулоқ
тутиши, фарзандлар эса уларнинг овқатланишига
эътиборли бўлиши жуда муҳим. Ота-онамиз соғ бўлса —
уйимиз тинч, кўнглимиз тўқ. Ёши улуғ инсоннинг тўғри
овқатланиши нафақат унинг ўзига, балки яқинларига
ҳам хотиржамлик бағишлайди.**

Шониёз ҚУРБОНОВ,
биология фанлари доктори,
профессор.

Ёши улғайгани сайин
одамнинг ҳазм аъзола-
ри секин ишлай бошлайди. Шу
сабабли оғир ҳазм бўладиган қўй
ёки мол гўшти, дуккақиларни
кўп истеъмол қилиш ўрнига енгил
ҳазм бўладиган **балиқ, сўт, қатиқ
ва пишлоққа** кўпроқ эътибор қа-
ратиш керак. Уларнинг ёғи енгил,
оксилли эса тез сўрилади. Айниқса,
балкидаги фойдали ёғлар кекса
ёшдаги инсонларнинг юрак
фаолиятини қўллаб-қувватлайди.
Шунга қўшимча, **сўт маҳсулотлари**
калцийни яхши сўрдиради, суяк-
ларни мустаҳкамлайди. Бу эса
қарияларда кўп учрайдиган суяк
мўртлашувининг олдини олади.

Ҳозир кўпчилик консервалар-
дан фойдаланади, аммо кексалар
булардан камроқ истеъмол қилса,
фойдадан холи бўлмайди. Шу
боис имкон қадар **табiiий овқат-
ларга** устуворлик бериш керак.

Агар барибир консерва истеъмол
қилинса, **кўкатлар билан бирга
ейиш** зарарни анча камайтиради.
Маҳаллаларнинг ҳар бир хона-
донида **кўк пиёз, шивит, кашниқ**
каби арзон ва шифобахш кўкатлар
дастурхонда доимо бўлиши лозим.

**Кундалик таомлар ҳам хил-
ма-хил бўлиши муҳим.** Ун маҳсу-
лотлари билан бирга, арпа, тарик,
сули қабилардан тайёрланган нон
истеъмол қилиш танани турли
минераллар билан таъминлайди.
Сабзавотнинг фақат илдизини
эмас, барглари ва поясини ҳам
ишлашиш фойдали — **сабзи ёки
лавлаги** баргида витаминлар
анча кўп бўлади. **Мева ва сабза-
вотнинг** кунлик меъёри 800-900
грамм бўлиши керак.

**Овқатланиш тартиби кекса-
лар учун янада муҳим:** вакти-
бевақт бир нарса еб қўйиш,
шошма-шошарлик билан овқат-
ланиш меъдага зарар етказиши.
Кексалар бир вақтда нонушта,
тушлик ва кечки овқат қилиб
ўрганса, тана айнан ўша пайтда
ҳазм шираларини ажратди ва
таом енгил ҳазм бўлади.



Ёғли гўшт, чарви, дуд-
ланган балиқ, консервалар,
ширинликлар, оқ унли пиши-
риқларни чеклаш, кучли чой
ва қаттиқ қаҳвадан воз кечиш
соғлиққа фойда. Спиртли
ичимликлар эса кексалар учун

бутунлай зарар. **Нуроний-
ларнинг овқатланиш тартиби
тўғри бўлса, уларнинг кайфия-
ти ҳам, қуввати ҳам ошади,
юраклари тинчиди, уйқулари
меъёрига тушади.** Энг муҳими,
умрининг баракаси ортади.

• ТАНЛОВ • ТАНЛОВ • ТАНЛОВ • ТАНЛОВ • ТАНЛОВ •

“Менинг маҳаллам”

ИНШО ВА
ВИДЕОРОЛИКЛАР
ТАНЛОВИ

“Mening mahallam”

Mahalla — qadim tarixga ega,
xalqimizning turmush tarzi,
an'ana va qadriyatlarini asrab
kelayotgan o'ziga xos...

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси,
Республика Маънавий ва маърифат маркази ҳамда
Ёшлар ишлари агентлиги 14-35 ёшли йигит-қизлар
ўртасида “Менинг маҳаллам” мавзусида иншо ва
видеороликлар танлови ўтказилишини
эълон қилади.

Танлов иштирокчилари иншо ва видеороликларда
ўзи истикомат қилётган маҳалла тарихи,
Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган
ислохотларнинг маҳаллаларга кириб бориши,
Ўзбек халқининг миллий қадриятлари,
замонавийлик ва ёш авлод тафаккуридаги
ўзгаришларни ифодаловчи фикр-мулоҳазалари
ҳамда таклифларини баён қилишлари керак.

ТАНЛОВ ТУРЛАРИ ВА ТАЛАБЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:

1. Иншолар танлови бўйича: Иншо ҳажми: 2-5 varaқ.

Баҳолаш мезонлари:

• маҳалла тарихи (20 ball);
• сўнгги йиллардаги ютуқлар ва
миллий қадриятлар (20 ball);
• истиқболга оид таклифлар (20 ball);
• имловий саводхонлик ва услуб (20 ball);
• хулоса ва умумий тузилма (20 ball).

Иншолар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг
“Telegram” ҳаволасига юборилади.

2. ВИДЕОРОЛИКЛАР ТАНЛОВИ БЎЙИЧА:

Давомийлиги: 1,5-2 дақиқа; Формати: MP4/MOV, 1080p (HD).

Баҳолаш мезонлари:

• техника жиҳатдан (50 ball):
таъсир сифати (10 ball), овоз аниқлиги (10 ball),
музыка/эффектлар мослиги (10 ball),
монтаж маҳорати (10 ball), кадрлар уйғунлиги (10 ball);
• мазмун жиҳатдан (50 ball):
маҳалла тарихи (20 ball), ютуқлари (10 ball),
миллий қадриятлари (10 ball),
истиқболга оид таклифлари (10 ball).

Видеороликлар ҳам “Telegram” орқали қабул қилинади
ва расмий веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқларга
жойлаштирилади.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ: 2025 йил 20-30 НОЯБРЬ


ҒОЛИБЛАР КОНСТИТУЦИЯ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ТАҚДИРЛАНАДИ.

➔ 1-ўрин — ноутбук ва 1-даражали диплом;
➔ 2-ўрин — планшет ва 2-даражали диплом;
➔ 3-ўрин — смартфон ва 3-даражали диплом.

ҒОЛ ИШТИРОК ЭТГАНЛАР МАҲСУС СОВҒАЛАР БИЛАН МУКОФОТЛАНАДИ.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Ушбу сон
саҳифаларидаги
барча мақолалар
матини мусахҳих
Феруза
ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» MCHJ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 440 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

